



«Бу оятни яна неча марта такрорламоқчисан?! Чунки, тўртта жинни ўлдирдинг. У жинлар яратилганларидан бери бошларини Аллоҳ таолога сажда қилишдан кўтармаган эдилар».

Бир оят эшитиб вафот этган йигит

Али ибн Хусайн айтадилар:

«Мансур ибн Амморнинг мана бундай деб айтаётганларини эшитдим: «Бир куни ҳажни мақсад қилиб сафарга отландим. Кечқурун юриб-юриб, Куфага бориб қолдим. Тун жуда ҳам қоронғу эди. Шерикларимдан ажралиб ёлғиз қолдим. Сўнг ўша ердаги бир ҳовлининг дарвозаси олдига яқин келдим. Ичкаридан бир кишининг йиғлаётганини эшитдим. У киши йиғлаган ҳолда: «Илоҳий, иззатинг ва жалолингга қасамки, маъсиятим билан Сенга хилоф қилишни ирода қилмадим. Лекин гуноҳ содир этганимда жоҳиллигим туфайли қилдим. Энди Сенинг азобингдан мени ким қутқаради. Агар, арқонинг мендан узилса, кимнинг арқонига боғланаман. Вой гуноҳларим, Ё Аллоҳ, Ўзинг мадад бер» деб дуо қилар эди. Аллоҳга қасамки, бу дуолар мени ҳам йиғлатди. Лабимни эшик тирқишига тўғрилаб туриб, баланд овозда: «Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожийм.

أَيُّهَا الَّذِي اسْتَجَابَ لِقَوْلِ عَبْدِكَ بِاتِّخَاذِهِ الْعَهْدَ وَأَنْتَ غَنِيٌّ عَنِ الْعَالَمِينَ

«Эй иймон келтирганлар! Ўзингизни ва аҳлу аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган оловдан сақланг. Унинг тепасида кўпол, дарғазаб фаришталар бўлиб, улар Аллоҳнинг амрига исён қилмаслар ва нимага буюрилсалар, шуни қилурлар» (Таҳрим сураси, 6-оят) оятини охиригича ўқидим. Шунда ичкаридан қаттиқ безовталиқни эшитдим. Кейин ўша овоз ўчди. Мен эслаб қолишим учун эшик олдига бир тошни белги қилиб қўйдим. Тонг отгач у ерга қайтиб келдим. Қарасам, кафанлар бичиляпти, бир қари кампир ҳовлига йиғлаган ҳолда кириб-чиқиб юрибди. Ундан: «Сиз маййитга ким бўласиз» деб сўрадим.

Аёл: «Эй Аллоҳнинг бандаси, нарироқ тур, ярамни янгилама!» деди.

Мен: «Ироқ аҳлининг воизи Мансур ибн Амморман. Балки бирор бир ҳожатингиз бўлса ёрдам берарман», дедим.

Аёл: «Эй Мансур, бу маййит менинг фарзандим», деди.

Мен ундан: «Фарзандингизни сифати қандай эди», деб сўрадим.

Аёл: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг авлодларидан эди. Касби кор қилиб, топган даромадини уч қисмга бўлар, бир қисмини менга, бир қисмини мискинларга бериб, қолган бир қисмида ифтор қилар эди. Кундузи рўза тутиб, кеч кирганда ўша пулга ифторлик қилар эди. Кеча кечаси йиғлаб, тазарру билан ибодат қила бошлабди. Шунда бир одам Аллоҳ аzza ва жалланинг Китобидан бир оят тиловат қилибди. Қалбимнинг

парчаси бўлган жигарбандим шу оятни эшитиб безовта бўлаверибди. Тонг отганда эса шу оятни тадаббур қила-қила омонатни топширибди». (Бу ривоятни Абу Нуайм раҳматуллоҳи алайҳ «Ҳилятул авлиё»да келтирган).